



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КХШТ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 август куни Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг Афғонистондаги вазиятга бағишлаб видеоконференция шаклида ўтказилган навбатдан ташқари сессиясида таклиф этилган меҳмон сифатида иштирок этди.



Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон раислигида ўтган йиғилишда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров,

Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян ва КХШТ бош котиби Станислав Зась қатнашди. Сессияда кўшни Афғонистонда юзага келаётган вазият ҳамда минтақадаги барқарорликка таҳдид солаётган хавф-хатарларга қарши кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти учрашув иштирокчиларини минтақавий хавфсизликни таъминлашга қўмаклашиш, шу жумладан, Афғонистон билан Давлат chegarасини ишончли қўриқлаш ва ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган тадбирлар тўғрисида хабардор қилди.

Мамлакатимиз етакчиси минтақа давлатларининг алоқадор тузилмалари билан Афғонистон борасида самарали ҳамкорлик ва тезкор ахборот алмашинуви йўлга қўйилганини мамнуният билан қайд этди.

Саммит якунида минтақадаги вазият юзасидан ўзаро маслаҳатлашувлар ва мунтазам

ахборот алмашишни давом эттиришга келишиб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН
ЕТАКЧИЛАРИ МИНТАҚАДАГИ
ВАЗИЯТНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

23 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклиги ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари кун тартибидagi долзарб масалаларни кўриб чиқдилар. Кўшни Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши нуктаи назаридан минтақавий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашнинг амалий жиҳатлари юзасидан фаол идоралараро алоқаларни давом эттириш муҳим эканини таъкидладилар.

ЎЗА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА
МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари тақдими билан танишди.

Таълим, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш, савдо, саноат каби кўплаб соҳаларда амалга оширилаётган ушбу бунёдкорлик ишлари замон талабидан келиб чиқиб бошланган, давлатимиз раҳбари уларнинг аксариятини бориб кўрган.

Хусусан, Президентимиз ўтган йили 16 октябрь куни Давлат хавфсизлик хизмати академияси ва Темурбеклар мактабининг қурилишини кўздан кечирган эди. Бугунга келиб у қуриб битказилган. Академиянинг мавжуд бинолари реконструкция қилинган. Мактаб учун ўқув корпуси, жисмоний-ҳарбий машғулотлар майдони, стадион, автодром, ётоқхона, ошхона барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 31 январь куни Геология фанлари университети қурилишига тамал тоши қўйган эди. Шундан буён бу ерда жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. 6 та кўп қаватли иморат барпо этилиб, 4 таси реконструкция қилинди. Айти пайтда бунёдкорлик ишлари якунланиш арафасида. Бу ерда университет билан бирга соҳага тааллуқли илмий институтлар жойлаштирилади, Геология музейи, кутубхона, ётоқхона ва бошқа бинолар бўлади.

Юнусобод туманида Тошкент Архитектура-қурилиш институти учун янги бино қурилмоқда. 5 қаватли иккита ўқув мажмуаси,

8 қаватли маъмурий бино ва 4 қаватли ётоқхона қад кўтармоқда. Уларни шу йил октябрда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шунингдек, лойиҳанинг иккинчи босқичида институт ўқитувчилари, илмий-тадқиқот маркази мутахассислари ва уларнинг oilалари учун ижтимоий объектлар барпо этилади.

Таълим соҳасидаги улкан лойиҳалардан бири бу — “Янги Ўзбекистон” университети. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23 июндаги қарорига мувофиқ ташкил этилган мазкур таълим маскани жорий ўқув йилининг ўзидаёқ ilk талабаларни қабул қилди.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ”
ЭСДАЛИК НИШОНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистон тарихидаги буюк ва шонли сана — Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамини халқимиз катта шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда.

Мамлакатимизда янги демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ўтган даврда амалга оширилган улкан ишлар, эришилган юксак натижаларда, ҳеч шубҳасиз, ҳаётимизнинг турли соҳа ва тармоқларида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг бекиёс ҳиссаси бор.

Бундай олижаноб инсонларнинг эл-юрт олдидаги хизматларини эътироф этиш ва муносиб тақдирлаш ватандошларимиз, аиникса, ёшларимизни юксак марралар сари руҳлантириш, улар қалбиди Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизни ҳар томонлама тарққий эттириш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини оширишга катта ҳисса қўшаётган, давлатимиз иқтисодиёти ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда ибрат ва намуна бўлиб келаётган,

жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда алоҳида фидойилик кўрсатётган юртдошларимизни “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан мукофотлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирлаш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа республика идоралари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган рўйхатларни кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

▶ Давоми 2-бетда

ТАҚДИМОТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
ЁРҚИН САҲИФАЛАРИ

Ватанимиз мустақиллигининг шонли 30 йиллик байрами арафасида “Ўзбекистон” нашриёти томонидан “Янги Ўзбекистон” китоб-альбому нашрдан чиқарилди.



Ушбу муаззам мажмуада истиқлол йилларида, аиникса, кейинги беш йилда юртимизда янги давлат ва жамият қуриш, халқимиз қалбидан чуқур жой олган Янги Ўзбекистон гоёсини амалга

ошириш йўлида олиб борилаётган улкан ишлар ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади.

▶ Давоми 2-бетда

ИФТИХОР

ҲАҚ ОЛИНМОҚДА, ҲАҚИҚАТ
ТИКЛАНМОҚДА —
МИЛЛАТ ЮКСАЛМОҚДА

Бир юз йигирма олти йиллик қарамликдан сўнг давлат мустақиллигимизни тиклаганимизга ҳадемай ўттиз йил тўлади. Кўп мингйиллик ўтмишга эга миллий борлигимиздаги ушбу тарихий воқеа гўёки кеча юз бергандек...

Ўша ilk кезларда давлатчиликнинг ўзи нима, ўз мустақил давлати доирасида яшаш, ўқиш, ишлаш, oilа қуриш, бола-чақа катта қилиш... нималигини барча бирдек англаган, деёлмаймиз. Ақлий юки ўта оғир ушбу омилларни идрок этиш кейинчалик

ҳам бирдек кечмаганига шахсан гувоҳимиз. Узоққа бориб нима қиламиз, ўзбек давлатчилиги тарихи мавзусига Истиқлолга эришганимиздан кейингина қўл урганимизнинг ўзиёқ кўп нарсга ишора.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ” ЭСДАЛИК НИШОНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, вазирликлар, идоралар ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ва бошқа мутасадди раҳбарлар “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишонларини Мустақиллик байрами муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан тантанали вазиятда топширишни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишонларини топширишга бағишланган тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари 3.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 23 август

МУНОСАБАТ

ЭЪТИБОР ВА ИШОНЧДАН МАМНУНМИЗ

Эрдоған ФИЛИЗ Марашиноғлу,
Сурхондарё вилоятидаги “ALLES SAG’LIK GROUP” хорижий корхонаси раҳбари

Ўзбекистонда тадбиркорликни йўлга қўйганимиз боис, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш жараёنларига бевосита гувоҳ бўляпмиз.



Оқилона юритилаётган сиёсат, самарали ислохотлар иқтисодиётнинг барқарор тараққиёти эътишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Маълумки, инвестицияларни, айниқса, чет эл сармояларини жалб қилиб, бунинг учун керакли ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш ҳар қандай давлатнинг раванқига хизмат қилади. Қувонарлиси, Ўзбекистон мана шундай масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, чет эллик тадбиркорларга ўз бизнесини юритиши учун катта имкониятлар яратмоқда. Бу — Янги Ўзбекистон танлаган ёруғ йўл.

Сўнгги йилларда республикада хорижий инвестицияларни устувор лойиҳаларга йўналтиришга катта аҳамият қаратиб келинмоқда. Фаолиятимиз эркинлигининг ҳуқуқий асослари мустақамлиги келажакка ишонччи таъминляпти.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан янги шаклдаги очиқ мулоқот ташкил этгани катта ҳодиса. Мамлакат тарихида илк бор ўтказилган бундай учрашувда соҳада фаоллик кўрсатаётган жами 10 мингдан ортиқ тадбиркор қатнашди. Демакки, уларнинг муаммолари, тақлифлари тингланди. Шубҳасиз, бундай мулоқот мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланишига хизмат қилади.

Буни қарангки, Ўзбекистонда айни пайтда давлат хизматлари марказларида кўрсатилаётган 160 турдаги хизматнинг 75 таси бевосита тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ экан. Соҳа вакилларига берилаётган бундай эътибордан англаш мумкинки, мамлакат Президенти тадбиркорларни жон қулоғи билан эшитди, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратади.

Таъкидлаш жоиз, ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича қўллаб-қувватларга барҳам берилгани янги субъектлар сонининг кескин кўпайишига, шунингдек, аввалдан ишлаётганлари фаолиятининг янада кенгайишига хизмат қилмоқда. Шу боис, сўнгги беш йилда тадбиркорлар сони 3 бараварга ошган. Ўз навбатида, минглаб иш ўринлари яратилди. Яна бир муҳим жиҳат: Ўзбекистонда ички ва ташқи бозорда ўз обрўсига, бренди-га эга тадбиркорлар синфи шаклланимоқда.

Термиз шаҳрида Туркиянинг “Kanimed Healthcare” компаниясининг “Alles Saglik Group” Термиз маркази ҳамда “KANI-LAB” лабораторияси фаолияти йўлга қўйилган. Замоновий ускуналар билан жиҳозланган лабораторияларимизни Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ташкил қилганимиздан ва бунга етарлича шароит яратилганидан хурсандимиз.

Уларда бир томчи қондан 200 турдаги таҳлилни амалга ошириш имкони мавжуд. Катта ҳажмга эга автомат биокимевий иммуноанализатор орқали қон зардобидидаги барча параметрларни аниқлаб беради. Марказимизда аллергик ҳамда ўсма касалликларни эрта аниқлаш имконини берувчи замоновий ускуналар ўрнатилгани маҳаллий аҳолига бир қанча енгилликларни яратмоқда.

Ўзбекистон Президенти йўллаган миннатдорлик хати бизга катта қувонч улашди. Келгусида лаборатория-диагностика марказимиз фаолиятини янада кенгайтириб, нафақат маҳаллий аҳоли, балки бошқа давлатлар аҳолисига ҳам хизмат кўрсатиб, тиббиёт туризмнинг ривожланишига ҳам ўз хиссамизни қўшамиз. Чет эллик тадбиркорларга қаратилаётган эътибор ва билдирилаётган ишонччи оқлаш учун бор салоҳиятимизни ишга соламиз.

Сиёсат

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Шу боис, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг айрим бинолари ажратиблиб, замоновий таъмирланди.

Келгусида “Янги Ўзбекистон” университети учун замоновий ўқув кампуси бунёд этилади. Бу борада халқаро стандартлар асосида лойиҳа ишлаб чиқилиб, дастлабки ишлар бошлаб юборилган.

Президентимиз 2019 йилда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабга ташриф чотида ушбу мактаб ёнида IT-парк филиалини ташкил этиш, унга ёшларни жалб қилиб, тажриба ошириши учун кенг шароитлар яратиш бўйича кўрсатма берган эди.

Хозирда ушбу бино қуриб битказилиб, замоновий жиҳозланмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам қўллаб-қувватлаш лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Республика шойлинич тиббий

ёрдам илмий марказида кардиожароҳлик, трансплантология ва нейрокон-томир жарроҳлиги бўлимлари учун янги бино қурилмоқда. Бунинг натижасида мазкур мураккаб амалиётлар учун замоновий шароит яратилади, йилига қўшимча 3 минг беморга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилади. Ушбу янги мажмуа қурилиши шу йил сентябрда якунланади.

Мудоффа вазирлигининг аввалги клиник госпитали ўтган асрнинг қирқинчи йилларида қурилган, эскича тартибда ишлаб келаётган эди. Давлатимиз раҳбари 2018 йилда у ерга бориб, шифохонани реконструкция қилиш ва замоновий ускуналар билан жиҳозлаш, бошқарувда замоновий менежментни жорий этиш бўйича топшириқлар берган эди. Шу асосида катта ҳажмдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Марказий ҳарбий клиник госпитал шу йил декабрдан янгиланган бинода фаолият бошлайди.

“Хавфсиз шаҳар” бошқарув ситуацион маркази, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, саноат корхоналари, йўл ва кўприклар қурилишининг бориши бўйича ҳам маълумот берилди.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ

мактаб остонасига илк қадам қўяётган жажжи болажонларга қувонч улашиш билан бирга, уларни янада чуқур билим олишга ундайди



Саноқли кунлардан сўнг янги ўқув йили бошланади. Мамлакатимизда 2021–2022 ўқув йилида 641 604 нафар ўқувчи умумтаълим мактабларининг 1-синфиди таълим олишни бошлайди. Анъанага кўра, уларга янги ўқув йили муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус совғалари — ўқув қуроллари жамланмаси топширилади.

Куни кеча 1-синф ўқувчиларига топшириладиган “Президент совғалари”дан иборат қарвон ҳудудларга йўл олди. Унда 12 турдаги ўқув қуроллари, жумладан, портфель, дафтар, расм дафтари, акварель бўёқлари, рангли қоғоз, қаламдон, шарикли ручка, рангли ва оддий қаламлар, пластилин, елим, ўчирғич жамланмасидан иборат совғалар дастлаб Жиззах ва Сирдарё вилоятларига етиб борди. Янги ўқув йили бошлангунига қадар улар босқичма-босқич барча мактабларга етказилиб, ўқув йилининг илк куни ўқувчиларга топширилиши кўзда тутилган.

— Бу йилги 1-синф ўқувчилари учун бериладиган “Президент совғаси” таркибидидаги маҳсулотларнинг сифатида катта аҳамият берилган, — дейди Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Эркин Муродов. — Уларни танлашда, аввало, сифати, дизайн жиҳатдан ўқувчининг ёш ҳусусиятлари инобатга олинган. Ишонамизки, бу совғалар мактаб остонасига илк бор қадам қўяётган жажжи болажонларга қувонч улашиш билан бирга, уларни янада чуқур билим олишга ундайди.

ЭКСПОРТЁРЛАРНИНГ ТРАНСПОРТ ХАРАЖАТЛАРИ 50 ФОИЗ МИҚДОРДА ҚОПЛанаДИ

Анна ДОБРИХ,
Наманган вилоятидаги “ІГТИНОР КІУІМ SANOAT” МЧЖ
раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Президентимизнинг мамлакатимиз тарихида илк бор ўтказган тадбиркорлар билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда бизнес соҳасига доир муаммо ва камчиликлар ҳақида батафсил гаплашиб олинди.

Шу боис, ишбилармонларнинг йиллар давомида антикиб кутган мазкур юзма-юз суҳбати чинакам мулоқот платформасига айланди. Қолаверса, унга ҳозирлик жараёнининг ўзида 15 мингдан ортиқ савол, тақлиф ва ташаббуслар тўшгани, уларнинг қўпчилиги ўз жойида ҳал этилгани нечоғлиқ катта иқтисодий-ижтимоий аҳамият касб этганини аққол кўрсатиб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, янги бозорларга чиқишни рағбатлантириш ва уларга кўрсатилаётган транспорт харажатларини қоплаши янада ошириш юзасидан билдирилган тақлифлари бошқа тадбиркорлар қатори мени ҳам қувонтирди. Тўғри, айни кезде ҳам бундай хизматларни қисман қоплаш, юқларни божхона орқали ўтказиш бўйича янги тизим йўлга қўйилган. Хусусан, йил бошидан буюн 3 мингдан зиёд экспортёрга 200 миллиард сўмдан зиёд молиявий ёрдам кўрсатилиши тўғрисида улар томонидан қарийб 800 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Учрашувда йил якунига қадар бу миқдорни икки миллиард долларга етказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Мулоқот чоғида бошқа тадбиркорлар қатори мен ҳам Президенти



тимизга бевосита ўз тақлифларини билдириш имкониятига эга бўлдим. Корхонамиз 20 йилдан зиёд вақт мобайнида костюм, пиджак, шим ва пальто, шунингдек, махсус курткалар тайёрлаш ва уларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланиб келади.

Тўқимачилик саноатида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини берапти. Масалан, корхонамизда 2015 йилда 100 киши ишлаган бўлса, сўнгги бир ярим йилда пандемия шароитига қарамай, улар сони 500 нафарга етди. Илгари маҳсулотларимиз экспортти 200 минг доллар атрофида бўлса, эндиликда унинг ҳажми 4,5 миллион еврони ташкил этапти.

Улар Германия, Австрия, Испания, Польша, Англия, Россия, Қозғоғистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Жорий йил апрель ойи бошидан мамлакатимизда Европа Иттифогининг GSP+ тизими преференциялари амал қила бошлаши тўғрисида экспортимиз географиясини кенгайтиришга муваффақ бўлдик. Бу бизга Европа бозорига киришда 12 фоизгача имтиёз бермоқда. Бироқ транспорт тарифларининг юқорилиги бу бозордаги рақобатда катта муаммо тўғдириб келаётган эди.

Шу фикрларни билдириб, ўз маҳсулотларини экспорт қилувчиларга транспорт харажатларини компенсация қилиш учун 50 фоиз миқдорда қўшимча имтиёз тақдим этиш тақлифини илгари сурдим.

Президентимиз ушбу тақлифни қўллаб-қувватлади ва бошланмишга 1 йил муддатга транспорт харажатларини қоплаш учун имтиёзларни 50 фоизгача ошириш бўйича мутасадди раҳбарларга топшириқ берди. Бу ўзгариш нафақат тўқимачилик саноати соҳасидаги тадбиркорларга, балки юқори қўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқарувчи барча ишлаб чиқарувчиларга таъбиқ этиладиган бўлди. Корхоналарга экспортдан валюта тушумини кутмасдан қўшимча қиймат солигини қайтариб бериш тартибининг эндиликда барча тармоқларнинг ҳалол ва интизомли экспортёрларига нисбатан ҳам таъбиқ этилиши улар фаолияти самардорлигини оширишга хизмат қилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

АКАДЕМИК МУҲАММАД КАБИР БАҲОДИРХОНОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Электроника ва ярим ўтказгичлар физикаси соҳасида таниқли олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Муҳаммад Кабир Баҳодирхонов 80 ёшида вафот этди.

М.Баҳодирхонов 1941 йил 17 августда Хитой Халқ Республикасининг Ғулжа шаҳрида туғилди. 1965 йили Тошкент давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Физика-техника институти аспирантурасида таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, кейин эса

докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2017 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

У ўзининг қарийб 60 йиллик фаолияти давомида Тошкент давлат университетида, Олий аттестация комиссиясида ва умрининг охиригача Тошкент давлат техника университетида турли вазифаларда самарали меҳнат қилиб, юртимизда электроника ва микроэлектроника соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Изланувчан олим муаллифлигида яратилган 200 дан ортиқ илмий мақолалар, 15 дан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалари, монографиялар мамлакатимиз илмий жамоатчилиги томонидан яхши қутиб олинган. 100 дан ортиқ мақолалари АҚШ, Германия, Россия, Корея, Хитой ва бошқа давлатларнинг нуфузли илмий журналларида чоп этилган.

М.Баҳодирхонов Ўзбекистон физика илмий мактаблари анъаналарини давом эттириш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб, юртимизда биринчилардан бўлиб саноат-технологик тизимдан иборат илмий лаборатория ташкил этиш ва ушбу лабораторияда наноструктурали кремний олиш технологиясини яратишга муваффақ бўлди.

У 1996 йилдан буюн халқаро фондлар грантлари доирасида Германия, Россия, Хитой, Швеция мамлакатларининг таниқли олимлари билан биргаликда илмий тадқиқотлар олиб борди. Халқаро ҳамкорлик доирасида жаҳоннинг бир қатор машҳур университетларида илмий маърузалар ўқиди ва 50 дан ортиқ халқаро конгресс ва конференцияларда иштирок этди.

Жонкуяр устоз раҳбарлигида 5 нафар фан доктори ва 25 дан ортиқ фан номзодлари тайёрланган.

Академик М.Баҳодирхоновнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Бегуний номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти ва “Дўстлик” орденига сазовор бўлган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Муҳаммад Кабир Баҳодирхоновнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ,
А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

ТАҚДИМОТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЁРҚИН САҲИФАЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Китоб-альбом мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Халқимизнинг бекбёс жасорати ва матонати билан қўлга киритилган, бизнинг миллий давлатчилигимизнинг, инсоний қадр-қимматимиз, ғурур ва шаънимизни, дину диёнатимизни тиклаб берган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги орадан қанча йиллар, асрлар ўтса-да, жонажон Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамisha энг ёрқин саҳифа бўлиб қолади” деган самимий сўзлари билан бошланади.

Дарҳақиқат, мард ва олижаноб халқимиз ўзининг улкан салоҳияти, мустақкам иродаси ва матонати билан мустақиллик йилларида босиб ўтган ўта мураккаб ва айни пайтда шарафли тараққиёт йўли, қўлга киритган мислсиз ютуқ ва марраларни китоб-альбомнинг асосий маъномазмунини ташкил этади. Уни ва рақлар эканмиз, яқин тарихимизда, мамлакатимиз тараққиётининг бугунги янги босқичида кечган шиддатли воқеалар, эл-юртимиз мардона энгиб ўтаётган турли синов ва машаққатлар, эришилган ютуқ ва натижалар беихтиёр бир-бир кўз унгимиздан ўтади.

Айнан мустақиллик тўғрисида юртимиз тарихан қисқа даврда илгариги иқтисодиёти бир томонлама шаклланган, қўлоқ ўлкадан барча соҳаларда жадал ривожланиб, фуқароларнинг ҳаёт даражаси, сиёсий-ижтимоий фаоллиги, оғир тафаккури тобора юксалаётган, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида узоқ-яқиндаги барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини кенг миқёсда олиб бораётган замоновий, очик ва демократик давлатга айлانгани аниқ таърихий мисоллар, архив ҳужжатлари ҳамда таҳлилий материаллар орқали кўрсатиб берилган.

Китоб-альбомда “Миллий тараққиётимизнинг янги даври” деган алоҳида бўлимда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини

тубдан янгилаш, “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган ғояни реал воқеликка айлантириш, янги йўғониш даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар жараёни, уларнинг дастлабки натижалари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугунги гузал қиёфаси, давримиз қаҳрамонлари, шу заминда яшаб келаётган юртдошларимиз ҳаётидаги катта ижобий ўзгаришлар, янгиқа қадриятлар турли ракурс ва бўёқларда батафсил акс эттирилган.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида ҳаётимизнинг барча жаҳбаларини эркинлаштириш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағаллиқни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётган, давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ, таълим, тиббиёт, маданият, маънавият, адабиёт, санъат, спорт, таъқиқ сиёсат соҳаларидаги туб ўзгаришлар, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳити мустақамлашиб бораётгани, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ёрқин лавҳалар, жонли тасвирлар, эксперт ва таҳлилчиларнинг ҳолис ҳулосалари асосида қизиқарли тарзда ёритиб берилган.

Томчида қуёш акс этганидек, ушбу китоб-альбомдан ўрин олган ҳар бир далил ва маълумот, сурат ва лавҳа бунёдкор халқимизнинг куч-ғайрати ва салоҳияти билан эришилган, барчамиз учун ғоят қадри қўлган юксак марралар ҳусусида, дунёда ягона, азиз ва мўътабар она дидеримиз — Янги Ўзбекистонимиз ҳақида ҳикоя қилади.

Ҳеч шубҳасиз, ҳар бир саҳифасида Ватанимизнинг нурли бир манзараси акс этган ушбу наshr ўқувчиларда ёрқин таассуротлар уйғотиб, уларга бугунги тараққиётимиз ҳақида янада кенг маълумотлар беради, қалбларимизда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади.

ЎЗА

ҚОНУН ВА ИЖРО

РАСМИЙ СТАТИСТИКА — ИСЛОҲОТЛАР ИНЪИКОСИ



Баҳодир БЕҒАЛОВ,
Давлат статистика қўмитаси
раиси, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

ҚОНУННИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ
ВА ЗАРУРАТИ

Бугунги жамиятни статистикасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биз кундалик ҳаётимизда турли хил рақамлар, кўрсаткичлар, ўлчовлар ва бошқа статистик ахборотларга дуч келамиз. Статистик маълумотлар орқали мамлакатимизда юз бераётган жараён ва ўзгаришлар натижаларидан хабардор бўламиз.

Мисол учун, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, янги ишга туширилаётган корхоналар, фуқароларимизга тўланаётган иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, янги тузилаётган оилалар, туғилишлар ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳамда демографик ҳодиса ва жараёнлар бозор, дўкнлардаги нархлар статистик маълумотларда ўз аксини топади.

Статистик маълумотлар бир томондан фуқароларга жамият ҳаётидаги ўзгаришларга баҳо бериш ва ўз фикрини билдириш имконини берса, иккинчи томондан давлат идораларига аҳоли турмуш даражасини ошириш учун ўз вақтида тўғри қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда муҳим замин яратлади.

Тавқидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг янги даврида миллий статистика соҳасини ривожлантириш борасида ҳам тизимли ислохотлар ўтказилмоқда.

Хусусан, сўнгги тўрт йил давомида статистика соҳасига оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг бешта ва уларнинг ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қатор меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди. Бу эса, ўз навбатида,

Расмий статистика — “Расмий статистика тўғрисида”ги қонуннинг қоидаларига мувофиқ, давлат статистика органлари ва расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари томонидан тайёрланадиган ҳамда тарқатиладиган статистика маълумотларидир.

соҳага халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш ҳамда статистик маълумотлар қамровини кенгайтириш, сифати ва ишончилигини ошириш, очиклигини таъминлаш учун муҳим пайдевор бўлди.

Натижада, 2017—2020 йиллар давомида 20 га яқин халқаро ташкилотларнинг ахборот базалари ва халқаро рейтингларда Ўзбекистон тўғрисидаги маълумотларнинг акс этилишига эришилди, 10 дан ортиқ хорижий давлат статистика идоралари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Статистика идоралари томонидан эълон қилинадиган маълумотлар қўлами кенгайтирилди, маълумотлар тақдим этиш усуллари соддалаштирилди. Бундан ташқари, гендер статистикаси бўйича махсус сайтнинг маълумот қўлами кенгайтирилиб, Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари ҳамда аҳолини рўйхатга олиш масалалари бўйича алоҳида сайтлар ишга туширилди.

Шунингдек, эълон қилинаётган маълумотлар сифатини ошириш ва қўламини кенгайтириш натижасида, бугунги кунда Очик маълумотлар порталида эълон қилинаётган маълумот тўпламлари сони 13 мингдан ошди.

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ ВА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Эришилган натижалар кенг жамоатчилик, шу жумладан, халқаро статистика ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилиб, натижалар қатор халқаро рейтинг ва индексларда ўз ифодасини топмоқда.

Хусусан, мамлакатлар статистика идораларининг фаолиятини халқаро даражада баҳолаш бўйича Жаҳон банкининг “Статистика салоҳияти индекси” да мамлакатимиз натижалари ўсиб бормоқда.

Сўнгги 4 йил давомида амалга оширилган ишлар натижасида 2020 йил якуни бўйича мамлакатимиз Жаҳон банкининг “Статистика салоҳияти индекси”да максимал 100 баллдан 67,8 баллни қўлга кириштириб, рейтингда 61-ўринни эгаллади. Агар қиёслайдиган бўлсак, 2016 йил ҳисоботида қараганда, 62, 2019 йилга нисбатан эса 16 поғонага кўтарилишга эришилди.

Бундан ташқари, Лондондаги Очик маълумотлар институти (ODI) баҳолаш тизими бўйича “Қумуш” (SILVER) даражага, Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти (stat.uz) энг юқори —“Платина” (PLATINUM) даражага эришган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Электрон ҳукумат кузатуви 2020”да “Очик давлат маълумотлари индекси” бўйича Ўзбекистон энг юқори (Very High OGD) кўрсаткичига эга бўл-



ган жаҳоннинг 41 та мамлакатни орасидан жой олган. Жами ушбу индексда 193 та мамлакат баҳоланган ҳамда Ўзбекистон энг юқори балл тўплай олган.

Очик маълумотлар рейтингни (Open Data Inventory — ODIN) га эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон 63 балл тўплади ва рейтингда 125 та позицияга кўтарилиб, дунёда 44-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади.

“Open data Inception” маълумотларига кўра, жаҳон мамлакатлари орасида Ўзбекистон 99 та очик маълумотлар манбалари билан дунёда 5-ўринни

“
Статистик маълумотлар бир томондан фуқароларга жамият ҳаётидаги ўзгаришларга баҳо бериш ва ўз фикрини билдириш имконини берса, иккинчи томондан давлат идораларига аҳоли турмуш даражасини ошириш учун ўз вақтида тўғри қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда муҳим замин яратлади.”

Марказий Осиё давлатлари учун ишлаб чиқилган ва 2016 йилда маъқулланган Расмий статистика тўғрисидаги модель қонуни талаблари иноватга олинди. Шу билан бирга, бошқа давлатларнинг статистика қонунчилиги бўйича тажрибаси ўрганилди.

Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқишда республиканинг 10 дан ортиқ вазирлик ва идоралари мутахассислари ҳамда Жаҳон банкининг юқори малакали хорижий экспертлари иштирок этди. Шунингдек, қонун кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил май ойида иккинчи ўқишда қабул қилинди ҳамда

Олий Мажлис Сенати томонидан 2021 йил 26 июнда маъқулланди. Натижада, Президентимиз қарори билан 2021 йилнинг 11 августидан “Расмий статистика тўғрисида” Қонун тасдиқланди ва кучга кирди.

ҚОНУН МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Энг аввало, статистикани юритиш соҳасидаги халқаро тажрибадан келиб чиқиб, қонунда “Расмий статистика” тушунчаси киритилди.

Амалдаги “давлат статистикаси” тушунчаси ўрнига “расмий статистика” тушунчасининг қўлланилиши орқали расмий статистиканинг қамров доираси, унинг сифатига талаблар ҳамда фойдаланувчиларга тақдим этилаётган ахборотларнинг мақоми (ҳуқуқий ҳолати) белгиланди.

Содда қилиб айтганда, аввал давлат статистикаси фақат статистика органлари томонидан шакллантирилган маълумотларни назарда тутган бўлса, расмий статистика — мамлакатдаги барча тайёрловчилар томонидан ушбу қонунга мувофиқ шакллантирилаётган ва тарқатиладиган статистик маълумотларни билдиради.

Ушбу қонун қоидаларига мос келмайдиган статистика расмий статистика сифатида қабул қилинмаслиги белгилаб қўйилди. Бу нимани билдиради? Яъни, хусусий шахслар, корхона, ташкилот ёки муассасалар, шу жумладан, тадқиқот муассасалари томонидан қонун қоидаларига мос келмайдиган ва уларнинг норматив-ҳуқуқий асосларига мувофиқ тайёрланган ҳамда эълон қилинган ҳар қандай маълумотлар расмий статистика сифатида қабул

қилинмайди ва ушбу қонун билан тартибга солинмайди.

Иккинчидан, қонун билан миллий статистика тизими тушунчаси амалиётга киритилди.

Шу ўринда, агар расмий статистика — қонун доирасида тайёрланадиган,

Миллий статистика тизими – расмий статистикани биргаликда тайёрлайдиган ва тарқатадиган давлат статистика органлари ҳамда расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари мажмуи.

тарқатиладиган ва мувофиқлаштирилаётган статистик маълумотларни билдирса, **миллий статистика тизими** — ушбу маълумотларни тайёрловчи ҳамда тарқатувчи вазирлик ва идоралар жамланмасини англатади.

Учинчидан, Қонунда расмий статистика субъектлари таркиби ҳамда уларнинг ваколатлари, вазифа ва мажбуриятлари ўз ифодасини топди.

Хусусан, статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш жараёнларида расмий статистика субъектлари — **расмий статистикани тайёрловчилар, респондентлар, маъмурий маълумотларни етказиб берувчи идоралар ҳамда статистик маълумотлардан фойдаланувчилар** ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларни қамраб олади.

Тўртинчидан, расмий статистика соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг расмий статистика соҳасидаги ваколатлари белгиланди. Жумладан, миллий статистика тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари ҳамда инфраструктурасини такомиллаштириш, замо-



навий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш расмий статистика соҳасида **давлат сиёсатининг асосий йўналишлари** саналади.

Вазирлар Маҳкамасига расмий статистикани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, расмий статистика соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурларни тасдиқлаш, миллий статистика тизимини тартибга солишнинг самарали тизимини яратишга қўмаклашиш билан боғлиқ ваколатлар берилди.

Бешинчидан, қонунда расмий статистика соҳасини мувофиқлаштирувчи ваколатли орган сифатида Давлат статистика қўмитаси белгиланди. Шунингдек, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа расмий статистикани тайёрловчиларнинг **статистика соҳасидаги қонуний фаолиятига ҳар қандай аралашувларга йўл қўйилмаслиги**, Давлат статистика қўмитасининг ҳудудий органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақиллиги ва бевосита қўмитага бўйсунуши мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўнинчидан, расмий статистика соҳасида барча статистик маълумотларни тайёрловчилар томонидан хорижий давлатларнинг статистика идоралари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиқни амалга оширилишига оид нормалар мустаҳкамланди.

Қонуннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, унда расмий статистика соҳасида қўлланиладиган асосий тушунчалар (расмий статистика, расмий статистикани тайёрловчи, респондент, фойдаланувчи, статистик маълумот-

лар, маъмурий маълумотлар, индивидуал маълумотлар, статистик кузатув, метамаълумотлар) киритилган ва уларга изоҳлар берилган.

МАЗКУР ҲУЖЖАТНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРАДИ?

Маълумки, қонунчиликни янгилашдан мақсад — фақат қонун қабул қилиш эмас, аксинча, янги қонун эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай янгиллаштириши ҳақида ўйлаш ва мавжуд муаммоларнинг қонуний ечимини ҳал этишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши натижасида:

миллий статистика тизими халқаро стандартларга мос равишда **ислох қилинади**;

мамлакатдаги расмий статистик маълумотларни тайёрловчи **барча органларнинг статистика соҳасидаги фаолияти тартибга солинади**;

Давлат статистика қўмитаси ҳамда расмий статистикани тайёрловчи бошқа идораларнинг статистика соҳасидаги **профессионал мустақиллиги таъминланади**;


фойдаланувчиларнинг ишончли, сифатли ва долзарб расмий статистик маълумотларга бўлган **эҳтиёжлари қондирилади**;

расмий статистиканинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш борасидаги **ислохотларнинг натижадорлиги таъминланади**.

Ўз навбатида, ушбу эришилаётган барча натижалар кенг жамоатчиликни, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва хорижий инвесторларни Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолати тўғрисидаги долзарб, ишончли ва сифатли статистик маълумотлар билан таъминлаш ҳамда мамлакатимизнинг турли халқаро рейтинглардаги ўрнини янада мустаҳкамлашга муҳим замин яратди.

Зеро, муҳтарам Президентимиз айтганларидек, **“Амалий натижа билан мустаҳкамланган, ўз меваси, ҳосилини бераётган ислохот одамларнинг қалбига, юрагига тез кириб боради. Ва бундай ислохотни, бундай шиддатли жараённи ҳеч ким, ҳеч қандай куч тўхтата олмайди”**.

Хулоса ўрнида айтганда, янги қабул қилинган “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун мамлакатимизда статистика соҳаси фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш бўйича ишларнинг самарали амалга оширилиши ҳамда барча расмий статистика тайёрловчилар ва фойдаланувчилар учун ягона ёндашувларнинг қўлланилиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиб бормоқда.



2021 йил 24 август, 170-сон

5

yuz.uz_news

yuz_official

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Тошкент давлат иқтисодий
университети профессори,
иқтисод фанлари доктори



Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги ўқиниб келмоқда. Ўтган йиллар давомида босиб ўтилган йўл муайян ҳўлосалар чиқаришимизга ундайди. Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлига чиққанидан кейин мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришди.

Бу даврда янги авлод камолга етди. Ўзтиборлиси, халқимизда юрт равнақи учун даҳлдорлик туйғуси ўсди. Биз дунё мамлакатлари билан бир-бири-мизга эшиқларимизни очдик. Шу билан бирга, жамиятда очиқ-ошқоралик кучайди. Ҳўкумат жамият билан мулоқот қилишни, уни тинглашни ўрганди. Авваллари бундай эмас эди. Ҳўкумат ўз билганича яшар, жамиятда юз бе-

чиқадиган фойда ва имтиёзларга эга бўлиши мумкин.

Халқро сахнадаги фаоллик Ўзбекистонда шу кўнғача ҳўқўқ ва қўнун устуворлиги борасида эришилган ютуқларни асраб-авайлаш учун имкон беради. Боз устига, бу жиҳатлар давлат идораларида масъулиятни ошириш,

Ривожланган мамлакатларда таълим бу — бизнес. Зеро, жаҳон тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, тараққиётни тезлаштирадиган омил бу мақали, замон талабларига жавоб бера оладиган, профессионал мутахассислар ҳисобланади.

Бутун дунё тараққиётнинг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллатни буюк эга оладиган илм-фан, таълим ва тарбияга алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Мамлакатимизда мақали кадрларни тайёрлаш, таълим тизимини замонавийлаштириш, уни коррупциядан холи қилиш учун жаҳон таърибасидан кенг фойдаланмоқда. Улардан бири кредит-модуль тизимидир. У ҳар бир ўқув модули таркибини тузишга асосланган модульнинг ўқув натижалари ва якуний назоратни кузатиб бориш орқали таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва компетенцияларини мунтазам равишда баҳолаб боруви ўқув дастурини ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш тизими ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг 8 октябрида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонини имзолади. Ушбу муҳим дастуриламал

қиритилади. Мазкур тизимнинг олий таълимга жорий қилиниши ўқитиш сифатини ошириш, шаффофликни таъминлаш, коррупцияга барҳам бериш, таълим олувчиларнинг ҳақиқий билимини юзага чиқариш ҳамда талабанинг мустақил ўқиб-ўрганиб, ўз устида ишлашга замин яратади. Бугунги кўнда Европа кредит тизими кўҳна китъанинг деярли барча олий ўқув юртида амалиётга жорий этилган.

Кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омил ҳисобланади. Модулли таълимда педагог тингловчининг ўзлаштириш жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Талаба эса йўналтирилган объект томон мустақил ҳаракат қилади. Энг катта ургу ҳам талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилади. Ўқув жараёнида мустақил таълим олишнинг аҳамияти ортади ва бу келажақда мутахассисларнинг мустақиллиги, иходиий ташаббуслорлиги ҳамда фаоллигини оширади. Кредит-модуль тизимида университет талабалари ҳар доим ўқитувчи ва курсдошларидан ёрдам ҳамда маслаҳат олиш

таҳлил қилмасдан, илмий асосларга таянган ҳолда амалга оширилмас экан, келажақда маълум бир салбий ҳолатларнинг юзага келишини ҳам унутмаслик керак. Яъни ушбу тизим бизнинг дунёқарашимиз, шарт-шароит, баркамол инсонни воёга етказишга қаратилган қадриятларимизга тўла-тўқис мос келади, дегани ҳам эмас. Шу сабабли, ижтимоий фанларни ўқитишни ҳам чуқурлаштиришимиз керак. Бусиз ватанпарвар, мукаммал, салоҳиятли, юрт тақдирига бефарқ бўлмаган кадрларни тарбиялаш қийин. Яъни таълим ва тарбияни ўйғун равишда олиб бурсак, мақсадга эришамиз. Президентимиз ҳам ҳар бир чиқишида ёшлар, уларнинг таълим-тарбияси ва маънавияти масаласига эътибор қаратаётгани бежиз эмас.

Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ, аввало, маънавий бирлашуви, миллий гоиси билан юксалган. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган

2020 йил 23 сентябрь кўни қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қўнун хўсусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Қўнун жаҳон стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишини қамрови кенглиги ва ўзига хос хўсусияти билан шу номдаги аввалги қўнундан тўбдан фарқ қилади. Мазкур қўнун соҳа тараққиётида, ҳеч шўбҳасиз, янги ўфқларни очиб беради. Унга мувофиқ, ўқитишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди. Таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан ҳамкорликда қўшма факультет ва ўқув марказлари ташкил қилишга руҳсат этилди. Шунингдек, ўқитувчиларга муаллифлик дастури ва ўқитиш услўбларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия услўларини эркин танлаш ҳўқўқи берилди.

Ўзтиборли жиҳати, таълим тизимидаги кенг қамровли ислохотлар бевосита давлат раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида ҳам илм-фан ва таълим тизимига доир қатор стратегик йўналишлар белгилаб берилди. Бу янгиланаётган жамиятимизда олий таълим сиёсати мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англашимизга ўзига хос ёндашув бўлди.

Зеро, демократик ўзгаришлар, жумладан, олий таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Ўйғонни даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдевори бунёд этилади. Бундан беш йил олдин қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг тўб мазмун-моҳиятини муҳтасар ифода этадиган бўлсак, ушбу ноёб ҳужжатда Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифалар стратегик мақсад қилиб кўйилган эди.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида шундай рақамларни келтирди. Мамлакатимизда юқори билим ва малакага эга бўлган, рақобатдош кадрлар тайёрлаш мақсадида олийгоҳлар сони 141 тага етказилди, 26 та хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари очилди. Ҳолбуки, 2016 йилда республикаимиздаги олийгоҳларнинг сони 77 та эди. Қисқа муддатда бу борада қарий икки баробар ўсишга эришганимиз, ҳеч шўбҳасиз, ёшларимиз, бутун жамиятимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, замонавий билим, касб-хўнарларга янада яқинлаштириш йўлидаги ҳаракатларимиз натижасидир.

Дунёда воқеалар ривожини навбатдаги ўйғонни даври Шарқдан бошланишидан далолат берапти. Қадимдан илм-фан, маданият бешиги бўлган Марказий Осиёнинг юраги бўлмиш Ўзбекистон Учинчи Ренессанснинг марказига айланишига ҳеч бир шўбха йўқ. Бунинг учун эришилган ютуқларимизга маҳлиё бўлмай, янгидан-янги улғувор марраларни эгаллашни жадал давом этишимиз зарур ва шарт.

раётган воқеаларга эътиборсиз, жамият ҳам ҳўкуматга ҳеч қандай таъсир ўтказма олмас эди.

Ҳозир аҳвол бутунлай ўзгарди. Жамият энди ўз фикри, нўқтаи назарини баён қилиш имконига эга бўлди, ҳўкумат эса ижтимоий фикрга қўлоқ тутта бошлади. Ташқи дунёга, айниқса, қўшни давлатларга нисбатан очкилик ва прагматик сиёсат юритилаётгани ҳам муҳим ютуқларимиздан бирига айланди.

Иқтисодий ислохотлар ҳақида гап кетганда, туризмнинг ривожланиши, солиқ тизимидаги янгиланишлар, валюта бозорининг эркинлаштирилиши, нақд пул билан боғлиқ муаммолар бартараф этилиши, банк-молия соҳасидаги ўзгаришлар, халқро молия операцияларининг жаҳон андозалари асосида амалга оширилаётганини мамнуният билан тилга олиш мумкин. Энг муҳими, валюта бозори либераллашди. Чўнки узоқ вақтдан бери валютанинг эркин конвертацияси бўлмаганди. Ҳозир корхоналар импорт операцияларини амалга ошириш учун бемалол валюта харид қилиш имконига эга. Бун муҳим дейишнингизнинг сабаби шўки, иқтисодиётнинг эски модели бутунлай конвертациянинг йўқлигига боғланган эди. Бу эски моделнинг ўзаги бўлган. Мана шу асос олиб ташлангач, эски андоза ўз-ўзидан барҳам топиб, янги ислохотларга йўл очилди.

Иқтисодиёт соҳасидаги биринчи ўзгариш валютанинг либераллашуви бўлса, иккинчи энг муҳим янгилик пул муомаласидаги ислохотлардир. Натижада чет эл инвесторлари Ўзбекистонга қайта бошлади. Ушбу ислохотлар билан бир қаторда ташқи иқтисодий фаолият эркинлашиб, бизнес учун маъмурий тўсиқлари оқиб ташланди. Эркин конвертация — аввало, халқро савдо муносабатларининг тўлақонли аъзоси бўлиш учун керак. Фақат халқро савдо муносабатларининг аъзоси бўлган миллатлар халқро меҳнат тақсимотида иштирок этиб, ундан келиб


очкилик ва ошқораликни таъминлаш, мажбурий меҳнатга қарши кураш, афв этиш ва оқлов, адлия ислоҳоти, суд мустақиллиги, уруш майдонларидан ватандошларни олиб келиш, қийноқларга баҳрам бериш, жазони ўташ муассасаларини мониторинг қилиш, гендер тенглик ва бошқа жабҳаларда ҳам ижобий ўзгаришларни амалга оширишни давом эттириш гарови ҳамдир.

Ўзбекистон фуқаролик жамиятини тараққиёт этириш, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, қамоққона ва ҳибсхоналардаги вазиятни янада яхшилаш, суд мустақиллиги ҳамда ҳўқўқ-тартибот органлари устидан демократик назорат ўрнатиш томон жадал ҳаракат қилмоқда.

Қисқа вақт ичида мамлакатимизда мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Инсон ҳўқўқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. БМТ-нинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини қамайтиришга қаратилган чакиригига жавобан бир йилнинг ўзида 50 минг юрдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Мамлакатимизда диний эркинлик борасида ҳам вазият ескиин яхшиланди. Миллатларро то-тувлик ва динларро баррикенглик мустаҳкамланмоқда. Коррупцияга қарши муросасиз кураш янги босқичга кўтарилди.

Хорижий экспертларни ва ватандошларни жалб этиш, давлат идораларида уларнинг кўмагига таянган ҳолда, ўзгаришлар қилиш, иқтисод, молия ва сармоя ҳамда давлат бошқаруви ва умуман, тизимли ислохотларда йирик халқро ташкилотлардан маслаҳатчиларни тақлим этиш бугунги Ўзбекистон учун нормал ҳолга айлангани ҳам, айни ҳақиқат. Янги қўнунлар устида ишлашдан тортиб, уларни амалга ошириш ва назорат қилишгача, халқро мутахассисларнинг тавсиялари инobatга олинмоқда.

Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанс сари далил одимламоқда. Таълим соҳасига эътибор ҳар доимидан кучли.



ҳужжатда “республикадаги қамида 10 та олий таълим муассасасини халқро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига қиритиш ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш” белгилаб берилди. Шунингдек, 2030 йилга қадар республикадаги барча олий таълим муассасасининг 85 фоизи, жумладан, 2020/2021 ўқув йилининг ўзида 33 та олий таълим даргоҳини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилди. Кредит тўплаш ўлчовининг қиритилиши талабага катта эркинлик бериш билан бир қаторда, танлаган соҳасининг рақобатбардош мутахассиси бўлиб етишиши учун академик жараёни келажақда мустақил режалаштириш имконини ҳам тақдим этади. Айни чоғда, баҳолаш тизими ва таълим технологияларининг тақомиллашишига ҳам олиб келади. Амалдаги ўқитиш тартибидан фарқли ўларок, кредит тизимида мажбурий фанлардан ташқари танлов фанлари ҳам талабанинг индивидуал дарс жадавлига

имкониятига эга бўлади. Бу эса ўзаро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаши ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилиши шўбҳасиз.

Кредит-модуль ўқитиш тизимига ўтиш олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларига бўлган мажбурият ҳамда талабни ҳам оширади. Ушбу тизим билан ўқитувчи нафақат ахборот берувчи ва назорат қилувчи функцияларини, балки маслаҳатчи ҳамда мувофиқлаштурувчилик вазифаларини ҳам бажаради. Педагогик жараёнда ўқитувчининг етакчилик роли сақлаб қолинади.

Яна бир гап. Таълимнинг кредит тизими талабалар алмашинувини оширади. Чўнки битта университетда олинган кредитлар иккинчисидан ҳисобга олинади ва талабалар кредит йўқотмасдан бир университетдан бошқасига ўтиши мумкин. Айнан ушбу тизим ўзбекистонлик талабаларнинг илғор хорижий университетларда ўқишини давом эттиришга ҳамда мураккаб бюрократик тўсиқларни олиб ташлашга имконият яратади.

Аммо шўни ҳам қайд этиш лозими, ҳар қандай халқро таърибани кўр-кўрона, ўз қадриятларимизни ҳисобга олмасдан туриб, тўғридан-тўғри татбиқ этиш, унинг ҳар бир элементини чуқур

давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий гоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз жорий йилнинг 19 январида маънавий-маърифий ишлар тизимини тўбдан тақомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кўчайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятидир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор таъминоти асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият. Шундай экан, бу биздан янгилликка интилиш, олий таълим тизимини тўбдан қайта ислоҳ қилиш бўйича бошланган ҳаракатларнинг давом эттириш билан бирга маънавиятни ҳам унутмасликни талаб этади.

Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланган. Зеро, мамлакатнинг эртанги кўни, равнақи айнан шу соҳада қўлга қиритилган ютуқларга бевосита ва биливосита боғлиқ. Мамлакатимиз ҳам бу жараёнининг фаол иштирокчиси экани қўнунорли ҳол, албатта. Кейинги йилларда соҳа тараққиётига йўналтирилган ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилинди. Шу ўринда олий таълим тизимининг ҳўқўқий асосларига асосий эътибор қаратилиб, 2019 йил 11 июлнинг ўзида иккита муҳим ҳужжат қабул қилинганини қайд этиш лозим. Булар Президентнинг “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқаруви ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувининг янги таъминотларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарордир.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ — МИНТАҚА ФАРОВОНЛИГИ

Ўзбекистоннинг янгиланиши — минтақанинг янгиланиши демакдир

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири билан “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланоқда” сарлавҳали суҳбати халқро ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан шарҳланмоқда.

Сайфиддин ЭРОЛ,
Анкара Инқироз ва сиёсат масалалари бўйича
тадиқотлар маркази (АНКАСАМ) раҳбари, профессор:

— Ўзбекистон учун катта тарихий аҳамиятга эга бўлган мустақиллигининг 30 йиллиги байрамга яқинлашялмиз. Ушбу сана арасидада мамлакат халқига энг самимий табрикларини йўллашдан мамнунман.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси ўтган беш йилда Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотларнинг сарҳисоби бўлиш баробарида, бундан кейинги босқичда мамлакат қандай йўл тутиши, қандай

марраларни белгилаб олганини тушуниш учун ҳам муҳим манба ҳисобланади. Шу ўринда “Янги Ўзбекистон” иборасига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Ушбу тушуна Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгач, нафақат Ўзбекистоннинг ўзида, балки бутун минтақада кузатилаётган янги муносабатларни ифода қилиб турибди. Янги Ўзбекистон, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, мамлакатнинг ичида кузатилаётган янгиланишлар — Учинчи ўйғонни



даврининг ўзагидир. Барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар билан Ўзбекистон халқро жамоатчилик орасида ҳам ўзига хос ва мос бўлган ўрнини топоқда.

Мамлакат ичида ҳам, ташқи дунё билан муносабатларда ҳам Янги Ўзбекистон имижини яққол кўзга ташланмоқда. Нафақат минтақа давлатлари, балки дунёнинг етакчи мамлакатлари ҳам Ўзбекистондаги ушбу янгиланишларни катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда ва юксак баҳоламоқда.

Турли минтақавий масалалар, Афғонистон муаммоси, сўнгги йилларда юзага чиққан халқро пандемия билан боғлиқ инқироз даврида Ўзбекистон минтақавий давлатлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш йўлида муҳим ташаббуслар билан чиқди. “Марказий Осиё руҳи” деган иборанинг том маънодаги ижроси, ташаббускори ҳам айнан Ўзбекистон деб ўйлайман. Хўлоса қилиб айтганда, Шавкат Мирзиёев илгари сураётган “Янги Ўзбекистон” гоиси фақат мамлакатнинг ўзи билан чегараланиб қолмаслиги аниқ. Яқинда бўлиб ўтган Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг ўзаро боғлиқлигига бағишланган Тошкент конференцияси Янги Ўзбекистон минтақада ташаббускорлики ва масъулиятини ўз зиммасига олишга тайёрлигини намоён қилди.

Нина ЛИНДЕ,
Латвия фанлар академиясининг
Иқтисодиёт институтини директори:

— Суҳбатда Ўзбекистон раҳбари республиканинг замонавий тараққиёти ва жамият, ижтимоий-иқтисодий ва давлат ҳаётини тўбдан ислоҳ қилиш жараёнида эришилган ютуқларни батафсил таҳлил қилган.

Унда баён этилган энг муҳим устувор йўналишларни амалга ошириш мамлакатда ҳар томонлама ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг узоқни кўзловчи ва мувозанатли стратегиясининг давоми бўлади.

Бугун Янги Ўзбекистон ишонч билан бутун Марказий Осиё минтақасининг “драйвер”ига айланоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қўйилган мақсадлар, шўбҳасиз, республиканинг янада тараққиёт этишига хизмат қилади, иқтисодиётни модернизация қилиш, давлат бошқаруви ва жамиятни эркинлаштиришга ўз ҳиссасини қўшади.

“Дунё” АА

62021 йил 24 август, 170-сон

www.yuz.uz

f

yuz.uznews

янги ЎЗБЕКИСТОН

yuz_official

yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
30 ЙИЛЛИГИГА

АДАШИБ ҚОЛГАН ҚИЗҒАЛДОҚЛАР

ёхуд ёруғликка чиққан Зебонинг қувончлари

Муҳтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими

Кейинги бир йил ичида оммавий ахборот воситаларида, каттаю кичик йиғинлар минбарларидан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган юртдошларимизнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи, имконият ва интилишлари ҳар томонлама ўрганилиб, уларнинг моддий ва маънавий муаммолари ҳал этилиши учун кўрилатган чора-тадбирларнинг ижобий натижалари ҳақида ўқиш, эшитиш, кўриш биз учун оддий ҳолга айланиб қолди.

Қарийб ярим асрлик журналистлик фаолиятим давомида аёллар мавзуси ёзувларимнинг асосий йўналиши бўлгани сабабиданми, айниқса, мамлакатимизнинг олис ва марказий ҳудудларида яшовчи хотин-қизлар тақдирига бирдек эътибор қаратилаётгани, уларнинг ўзлари телеэкранларда, газеталар саҳифаларида ҳаётидаги кескин бурилишларнинг қувончи натижалари ҳақида сўзлаганлари, бошқача қувонаман. Тўғриси, аёلнинг оиласи, фарзандлари тинч-хотиржамлиги, моддий таъминлангани билан боғлиқ шодлиқлариниям, ташвишлариниям ҳис этиш учун, аввало, аёл-она бўлиш керак. Зеро, аини масалалар қандай ҳал этилгани жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳолатини — тарққиёти даражасини белгилайди.

Газеталар хабар беради: “Косон туманининг “Месит” маҳалласида яшовчи Гулистон Боражабова ҳеч қачонда ишламас, турмуш ўртоғи ҳам ишсиз эди. Тўрт нафар фарзанд... “Аёллар дафтари”га киритилган Гулистонга қисқа фурсатда 30 миллион сўм кредит берилди. Товуқхона учун ижарага ҳў топилиб, гўштга мўлжалланган жўжалар сотиб олинди, бугун уларнинг сони 2500 га етди.

— Турмуш ўртоғим, ўзим, болаларим, барчамизга иш топилиб, — дейди она қалби қувончга тўлиб. — Рўзгоримизга барака ва ободлик кирди... Кўни-кўшилар, бозордаги тadbиркорлар парhez гўштга буюртма беришяпти...”

“Беш фарзандимдан бири ногирон, оилавий шароитимиз оғир эди, — дейди сирдарёлик Тожинон Намозова. — Шу боис, мени “Аёллар дафтари”га киритишди. Баҳорда қизим Дилбар билан бирга “Ёшлар дафтари”га киритилган Нигора Муродова пойтахтда ўқиб келди. Улар сартарошликни ўрганиб, озодалик ва гигиена, мижозлар билан муомала қилиш маданияти, ҳатто психологидан ҳам сабоқ олибди. Чўлибўстон қишлоғимизда “Гузаллик салони” очилди, қизлар унда ишляпти. Болаларимнинг иқтисоди олий ўқув юртида шартнома асосида ўқийди, давлатимиз улардан биттасининг шартнома пулларини ҳам тўлаб берди...”

“Фаргона вилоятининг Ўзбекистон туманида 1-босқичда “Аёллар дафтари”га киритилган 3167 нафар хотин-қизнинг муаммоси ҳал этилди. Урганишларнинг иккинчи босқичида эса 1305 нафар хотин-қиз “Аёллар дафтари”га киритилди. Яқин вақтларда уларнинг ҳам ҳаётида ижобий ўзгаришлар бўлиши учун чора-тадбирлар кўрилмақда...”

Бу каби хушхабарларни ўқирканман, беихтиёр хотирамга ўқдек қадалиб қолган манзара, воқеалар ёдга тушаверади.

...1987 йили меҳнат таътили пайтида (“Саодат” журналида ишлардим) Маргилонга онамни кўргани борган куним Санобар исми аёл ёнимга келди. Шаҳарга туташ туманининг бир қолхозида яшовчи бу жувон қаттаси ўн бир, кичкинаси бир ёшга ҳам тўлмаган беш қизининг онаси экан. Эри ўғил фарзанд кўриш илинжида бошқа хотинга уйланиб олибди-да, Санобар билан қизларини ҳайдаб чиқарибди. Қизнинг салқин кунлари бошланган, уйдан бадарга қилинганлар кенг пахта даласи ўртасидаги эшиксиз, ромсиз дала шийпонида яшайётган экан. Она кичкинасини олиб, ҳар кунни чўлга пахта теримига кетар, дала шийпонида қолган қизлар ўн бир ёшли опанинг қарамоғида... Ушунда таътилимнинг охириги кунигача шу муштилларларга бир бошлана қилиб беришларини сўраб райком, ижрокўмга, қолхоз раисига, масалани қонуний ҳал қилиб беришларини сўраб туман суди (Санобар судга ариза берган экан), прокуратурасига, аёлни қўллаб-қувватлашларини илтимос қилиб ўша пайтдаги қишлоқ совети, хотин-



қизлар қўмитасига бир неча марталаб қатнагандим. Уларнинг ҳаммаси битта жавоб берганди: “Гарчи уйни Санобар эри Иброҳим билан биргаликда қурган бўлса ҳам ҳовли қайнонанинг номида. Шунинг учун биз Санобарга ёрдам беролмаймиз...”

...1988 йил 1 май кўни сурхондарёлик Зебо исмли ёш аёл (қўлида бир ойлик чақалоғи бўлган)нинг ҳовлисига қўшиларини — маҳаллада алоҳида мавқели оила аёллари (улардан бири ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси, яна бири болалар шифокори эди) бостириб кириб, қўлларига тушган нарсани синдиради, янги экилган экинларни пайҳонлайди, Зебони кўчага судраб чиқиб, қалтаклайди. Бу воқеанинг тафсилоти узун, аччиқ саволлари кўп... Кўзимдан кетмайдиган лавҳаларидан бири: Зебонинг шикоятчи бўйча мен хизмат сафарига бўлганимда, аёл аини масалада вилоят ички ишлар бўлимига ариза берган, лекин хат жавобсиз ётган экан. Ички ишлар бўлимига бирга бордик, масъул ҳодим қабулига кириш учун хат-ҳужжатни тўғрилагунимизча бизнинг ташрифимиз кўпчиликка маълум бўлган шекилли, ичкарида узун йўлақдан ўтиб борарканмиз, ҳамма эшиклар қия очилиб, улардан Зебони очик-ошкор қулугу-мазах билан кузатаётган қиёфалар кўринарди. Кейин... эри ҳам ташлаб кетди, бу жувоннинг учта боласи деярли йўлларда қатта бўлди: республика Олий суди, прокуратурасига қатнади. “Она, бу идораларда менинг овозимни эшитишлари билан эшикларини қулфлаб оладилар”, дер эди Зебо зорланиб. Аввалайга туман ички ишлар бўлимида воқеага гувоҳи бўлганларнинг хатлари йўқотиб ташланди, юқори ташкилотлардан ҳам ёруғлик чиқмади...

Матбуотда аини воқеа ҳақида икки марта босилган танқидий мақолаларимиз ҳам бечасар кетди. Охир-оқибат мен: “Зебо, болаларингизни қийнаб Тошкентга келаверманг, қўлингизда бўлган озгина пуллингизни уларнинг деб-йўншига сарфлаб сабр қилиб туринг-чи”, дейишга мажбур бўлганман.

Шундан кейин... адашмасам, 2000 йилларнинг боши эди. Тошкент марказий кўчаларидан бирида кетаётсам, рўпарамдан кимдир “Опа!” деб югуриб келиб қўчоқлаб олди. Зебо! Унинг кўзлари қулар, озгин юзларига ёш қуйиларди: “Қатта ўғлим ўқишга кирди, юридик институтга қабул қилинди, олажон!” — ўша лаҳзаларни эсласам, ҳамон дийдамага қувонч ёшлари тўлади. Сал муддат ўтиб, иккинчи ўғлиям институт талабаси бўлди. Қаранг, битта одамнинг қувончи оламларни жо этиши мумкин бўлган баргингизга сизмайди. Мустақиллик қалбини, ҳаётини, умр йўлларини нурлантирган, қора меҳнатдан бошқасини билмай адолатсизликдан эгилган бошларини кўтарган, истиқлол шу она Ватанга азиз фарзанд эканини англаган, шўкрона ва фахр туйғуларини дилига солган Зебо, зеболар, эҳ-ҳе, миллион-миллионларни ташкил этади, иншааллоҳ.

...Йўлаб қарасам, мустақиллик давригача юртимизда етти ёшдан етмиш-саксон ёшгача бўлганларнинг ҳаммаси иш билан таъминлангандек эди: аҳолисининг қарийб саксон фоизи қишлоқ хўжалиги, анкироғи, пахта билан шўғулланган республикада эрта баҳордан кеч қузгача омма пахта меҳнатига қўллаб ташланганди. Ғўза яғанаси, чопғи, чеканкаси, пахта теримига аҳоли ёппасига жалб этилар, гўдақлар пахтазор чеккасидаги тутларга тортилган беланчақларда, мактаб ёшига етиб-етмаганлардан ўсимирларга онасига ёрдамчи. “Онасига ёрдамчи” дейишнинг боиси шукки, табиғатчилик, сувчилик, терилган пахтани тортиб олиш, пахтани қуритиш ва пахта пунктига топшириш ишлари эркаклар зиммасида, униб чиққан ғўза парварлишидан ҳосилини йиғиб олунча бўлган жараёнларда захарли дориларга бунқирилган далаларда асосан хотин-қизлар, болалар “жавлон урарди”. Яна ажабланирлиси... йил охирида пойтахтнинг қатта саройларидан бирида ўтказиладиган “Ҳосил байрами” тантанасига йиғилган гўрос-гўрос эркаклар орасида адашиб қолган қизғалдоқлар каби саноқлигина аёлларни кўриш мумкин эди.

Бундан қирқ йиллар олдин бир суҳбатдошим ўсимирлик йилларидаги воқеани сўзлаб берганди: “Қиш бошланиб кетган, лекин биз — болаларнинг қийимларимиз жуда юпун эди. Илк баҳордан кеч қузгача қолхоз даласида ишлаган отам билан онам йил охирида хўжалик томонидан аъзоларга бериладиган ҳисобот пулини қўтишар, ундан бизга қийимлар сотиб олиб бермоқчи эди. Ниҳоят, бир кун отам ҳисобот пули берилаётганини айтиб, хурсанд чиқиб кетди. Алламаҳалда шундай қиёфада кириб келдикки, биз отам қаттиқ касал бўлиб қолдимки, деб кўриб кетдик. У тикка турганича кўйиндан бир сиким пул олиб, сандалнинг устига отди, эски 1 сўмликлар сочилиб кетди. “Мана бир йиллик меҳнатингиз учун чиққан от-чёт пули, 30 сўм!” — отамнинг юз-қўзларига алам, фарёд тўлгандек эди...” (ўша даврнинг нарх-наволари бўйича ҳисобласак, айтилйик, 1 кило шакарнинг нархи 80 тиин эди. 30 сўм — 80 килоли 1 қоп шакарнинг пули).

Мустақиллик давригача оналар, болалар ўлими бўйича юртимиз иттифоқдош республикалар ўртасида йиллар давомида юқори ўринлардан бирини эгallaб келди...

Бу ҳолат, маълумотларни эслашнинг ўзи қанчалар оғриқли. Бугун ҳатто истибод ҳукмирон бўлган ўша замонда шу адолатсизликлар, тенгсизликлар, зулм, камситишларга қандай бардош бериб яшаганимизни тасаввур этиш ҳам қийин. Ўша даврлардаги қораламалар, ён дафтарлардаги қайдаларда фикримнинг далили бўлган аччиқ хотиралар шунчалар кўпки, баъзиларини айтишга тилинг ҳам айланмай-дигандек...

Азиз ватандош, биз бир-биримизни мустақиллигининг ҳар бир янги тонги учун қутласак, шўкрона келтирасак арзийди.

Яна газета хабаридан: “Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўтган йили 8 октябрда ва жорий йил 26 февралда ўтказилган видеоселектор йиғилишларида хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича долзарб вазифаларни белгилаб берган эди. Унга кўра, хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал қилиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика ишчи гуруҳи тузилиб, улар юртимиз аёлларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва шароитини ўрганди. Натижада “Аёллар дафтари”га 430 275 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз киритилиб, бугунги кунда уларнинг барчасига у ёки бу жиҳатдан ёрдам берилиб, муаммолари ҳал этилишига қўмақлашилди”.

Бу каби хабарларни ўқиганда, беихтиёр ҳазрат Алишер Навоий муборак ҳадиси шарифга асосланиб, ёмғирнинг дарё устига бориб ўз сувини тўкиши саховат эмас, балки унинг қарқоқ ер устига сувини сепиши чин саховатдир, деган ҳикматини эслайверман. Бу хабарлар моҳиятида ётган ҳаётий ўзгаришлар ва уларнинг юз минглаб хотин-қизлар тақдирини, қалбини, интилишу эзгу тилакларидидаги ҳосияти, аҳамиятини, мустақиллик ва бу бебаҳо неъматдан барча ватандошларимиз бирдек баҳраманд бўлишлари учун мамлакат ҳаётига жонқуярлик, жасорат билан раҳбарлик қилаётган Президентимизнинг жонажон халқимизга — ҳар биримизга самимий, қайноқ меҳр-муҳаббатини яна ҳам теран англай бошлайсан, қалбдан ҳис этасан, Аллоҳга шукр қиласан.

...Шу йил Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда наманганлик тadbиркор ака-укаларининг онасига орден топирилган пайтдаги қачмоқдек лаҳза — Президентимизнинг фариштадек она-хонинг елкасини силаб, унинг юзига қувонч, ифтихор, меҳру эҳтиром билан боққани қалбимга видеолавҳадек муҳрланиб қолди. Саховатли қалбнинг бу ҳарорати, нури янги Ўзбекистоннинг барча қизлари, аёллари тақдирини бирдек ёритишга қаратилганини фазилатли қадамлар исботламқда. Зеро, жисмонан ва маънан соғлом, илму маърифатли, маданиятли, маънавиятли, бахтли аёл саодатли оила ва камолотга интилувчи жамиятнинг пойдеворини яратди.

31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН
ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

ФИТРАТНИНГ ҚЎЛИГУЛ
ШОГИРДИ

ёхуд Абдулла Танбурийнинг
“Ўзбек рубоби”

Дилнавоз РАҲМАТОВА,
Қарши давлат университети тузилмасидаги
“Қатағон қурбонлари хотираси” музейи
директори

Қадим мақомчилик ва бахшичилик анъаналари сақланиб қолган Қашқадарё ўзининг бой муסיқий маданиятига эга. Бу диёрнинг миллий муסיқаси ва созгарлиги, айниқса, дутор, танбур, дўмбира, чанқовуз ясалиши қардош қорақалпоқ, туркман, қозоқ халқлариники билан ҳамоҳанг.

Соз яшаш санъати қадимдан устоз-шогирд анъаналари асосида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган номоддий маданий меросдир. Айни пайтда ҳам ўз услубига эга Қашқадарё созгарлари ноёб ҳунарларини янада сайқаллантириб, кейинги авлодларга етказишга ҳаракат қилмоқда.

Шундай созгар усталардан бири Шахрисабзда яшаб, ижод қилган ҳофиз Абдулла Қодирий (Танбурий)дир. У 1896 йилда Шахрисабзнинг Ҳазрати имом маҳалласида, Мирза Абдулқодир қоровулбеги оиласида туғилган. Ўз даврининг зиёли, маърифатпарвар кишиларидан бўлган Мирза Абдулқодирбек фарзандларига илм беришга, уларнинг саводини мукаммал чиқаришга қатта эътибор қаратган. Ўзи муסיқа соझарини тинглаш ва чалишга шинаванд бўлгани боис, уйига қўллаб-қолғучиларни таклиф этар, нафис мажлислар жон қили эди. Шоирлар, ҳатто машҳур хаттотлар ҳам бу хонадоннинг иззатли меҳмонлари бўлган. Мирза қоровулбеги хонадошида ҳатто моддий таъминотта эга бўлмаган машшоқлар ва дарвишлар учун ҳам алоҳида меҳмонхона ташкил этилган. Болаликдан маърифатли кишилар суҳбатидан баҳраманд бўлиб улғайган Абдулланинг кўнглида илм ва ижодга ҳавас эрта уйғонди.

Интилувчан, билим олишга чанқоқ ўспирин 1914 йилдан бошлаб Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олди, хаттотлик санъати сирларини пухта эгаллади. Имкон топиб бухоролик ижодкорлар, муסיқа соझлари усталари билан танишиб, қолғу асбоби яшас сирларини ҳам ўзлаштира бошлади. У яшаган ҳужрада тинимсиз соз чалинардди.

Танбурчилик бобидаги маҳорати



Танбурий сургунда ихтиро қилиб ясаган йиғма танбур

ти уни жадидчилик ҳаракатининг ёркин вакилларидан бири, маърифатпарвар шoir Абдурауф Фитрат билан учраштирди. Абдулланинг илм-маърифат борасидаги мулоҳазалари ва маҳорат билан танбур ясашини кўп бор қузатган Фитрат унга Танбурий таҳаллусини берган экан.



Абдулла Танбурий

Танбурий Қарши шаҳрида тўғараклар ташкил этиш мақсадида қолғу асбоблари ясай бошлайди. Маҳоратини ошириб боргани боис, кўп ўтмай у ясаган қолғу асбоблари тури 10 тага етди. Шундан сўнг



Танбурий ташкил этган труппа

янги сиёсий раҳбарлар Абдулла-нинг Москвада қўлга киритган дипломи ва муסיқа асбобларини ясай олиш маҳоратини эътиборга олиб, бадий тўғарак ташкил этиш учун рухсат берди. Танбурий Қарши шаҳрида театр труппасини ташкил этиш мақсадида иқтидорли ёшларни қорлай бошлади. Труппа аъзолари орасида 2 нафар хотин-қиз ҳам бор эди. Труппа қатор концертлар ташкил этади.

Шундай кунларнинг бирида шўро амалдорларидан икки киши концертга ташриф буюриб, сахнада роль ижро этиб турган хотин-қизларни ўзларига хизмат қилдириш истagini Танбурийга билдиради. Табиийки, Танбурий уларга рад жа-вобини беради. Зеро, труппанинг ҳар бири вақили унинг учун оила аъзосидек қадрли эди. Айнан шу дақиқадан эътиборан мулозимлар Танбурийни душман ҳисоблаб, қора рўйхатга киритишди ва имкон қадар тез фурсатда ундан қутулиш чораларини кура бошлади.

Нотинч замонлар эди. Бу воқеа содир бўлган куннинг ўзидаёқ НКВД ҳодимлари Танбурийни жадидчиликда айблаб, уни Сибирга сургун қилиш тўғрисида қарор ҳам чиқартиришди. Бироқ миршаблар орасида Абдулла Қодирийни қадрлаганлар ҳам бор эди. Шу боис, уни оғохлантириш мақсадида шу тўнинг ўзида Абдулланинг уйига боришиб, воқеадан хабар беришди. Хабарни эшитган Абдулла қочшини истамади, бошини баланд кўтариб жон беришни афзал

қўрди. Бироқ унинг аёли Абдуллани қочишга кўндиради. Абдулла Танбурийни хору зорлиқда, оиласи, яқинларидан узоқда йилларни ўтказди.

Танбурийда соз ясашга бўлган иқтидор ва истак шу қадар баланд эдики, қувғинда юрган кезларида ҳам яширинча қолғу асбоблари ясашда давом этди. У ўзини санъатсиз тасаввур этолмасди. Бироқ му-сиқа асбобларини очикқасига яшаш ва қуй чалиш хавфли бўлгани боис, у янгича кўринишдаги, бир неча бўлақларга бўлиниб, тахланадиган йиғма танбур яратди. У кенг яйловларга чиққан пайтларида хумори босилгунча қуй чалар ва яна бўлақларга ахратиб, йиғиштириб оларди.

Бир неча йиллардан сўнг уйига қайтгач, у ўзбек қолғучилигида янгилик яратиш орзусида ўзига хос услубда икки нусхада ўзбек рубо-бини яратди. Рубобнинг бир нусха-си бугунги кунда ҳам авлодлари қўлида сақланиб келмоқда, иккинчи нусхасини уста Европада бўлиб ўтган халқаро конференцияга борган чоғида анжуман ташкилотчиларига совға тариқасида тақдим этган.

Абдулла Қодирий ҳаёти эндиғина изга тушган кезларда дунёдан ўтди. Танбурийнинг фарзанди, та-ниқли соз устаси Иноят Қодирий ота касбини ардоқлаб, паदари буз-руквори руҳини шод этиб яшади.

Юртимизда минглаб танбурийлар қисмати шундай саргардонликда кечган даврлар тарихга айланган бўлса-да, бу армонли кунлар бизни оғохликка қорлаб,

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” М-Ж масъул.

Эълолар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2686.

Ҳажми — 3 табоқ. Обфсет услубида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” М-Ж босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 00:30 Топширилди — 01:30